**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти молия-иқтисод ишлари бўйича проректори-комиссия раиси**

**______________ С.Ф. Маматов**

**«____» ______________2022 й.**

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

## Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Қарши шаҳар Мустақиллик кўчаси 225-уй манзилида 400-ўринли талабалар турар-жойи биноси қуриш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш

Қарши-2022 й.

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

_______________________________Сизни Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Қарши шаҳар Мустақиллик кўчаси 225-уй манзилида 400-ўринли талабалар турар-жойи биноси қуриш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун танлов савдоларида қатнашишга таклиф этади.

**Танлов ҳужжатини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:**
**Манзил: Қарши шаҳри**
**Маъул шахс: Ф.Хамраев.**
**Телефон: + 998 91 227 01 05**

**Электрон манзил:** ganishernabiev@mail.ru

**Молиялаштириш манбаи – давлат бюджети ҳисобидан**
**Лойихани бажариш муддати – 30 кун**
**Лойихани бошланғич нархи – ҚҚС билан 720 000 000 сўм**
**Таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати – xarid.uzex-uz порталида кўрсатилган.**
**Таклифларни расмийлаштириш рус ва ўзбек тилларида**

**Иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди – Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мол-мулки хатланган шунингдек, таъси ҳужжатлари, молиявий иштирок, хўжалик юритиш ва бошқа шаклларда бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий иштирок, хўжалик юритиш ва бошқа шаклларда бир-бирига бевосита ташкилий- ҳуқуқий ёки молиявий қарамликка эга бўлганлар.**

**Молия-иқтисод ишлари**
**бўйича проректор** С.Ф.Маматов

## Танлов хужжатларининг биринчи пакетига қуйидагилар хам илова қилинади.

- Лойихалаш ишларини бажариш бўйича Қурилиш вазирилиги томонидан берилган лицензия нусхаси илова қилинади. (аслига тўғрилигини ташкилотни мухр билан тасдиқланган холда)

- Юридик шахсни Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувохнома нусхаси илова қилинади. (аслига тўғрилигини ташкилотни мухр билан тасдиқланган холда)

*Танлаш таклифларини техник*

***БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ***

| Т/р | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори | Оферентлар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| **I. Декларация – 1 шакл** (2 балл) | | | | | |
| 1. | Танлов таклифини таъминлаш Декларацияси | 2 | | | |
| **II.Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси - 2 шакл** (3 балл) | | | | | |
| 1. | Ташкилий структура | 3 | | | |
| **III. Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар. 3 - шакл** (9 балл) | | | | | |
| 1. | Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли лойиҳа-лаш мутахассислигига эга бўлган раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. *(тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади)* | 3 | | | |
| 2. | Дипломли 5 йил иш стажига эга 2 кишидан иборат инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (ГИП, ГАП ) *(тасдиқловчи хужжатлар: паспорт, диплом ва мехнат дафтарчаси копиялари илова қилинади)* | 3 | | | |
| 3. | Доимий равишда ишловчи 10 та малакавий лойиҳачи мутахассислар мавжудлиги. *(тасдиқловчи хужжатлар: паспорт, диплом ва мехнат дафтарчаси копиялари илова қилинади* | 3 | | | |
| **IV. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, салохияти ( 2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот. 4-шакл.** (12 балл)** | | | | | |
| 1 | Ишлаб чиқариш фондининг қиймати 100 млн. сўмгача ва ундан кўп | 3 | | | |
| 2. | Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (*Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади*) | 3 | | | |
| 3. | Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги | 3 | | | |
| 5 | Тўловга қодирлик коэфициенти ижобийлиги | 3 | | | |
| **V. Танлов иштирокчисининг оҳирги йилда бажарган иш тажрибаси – 5 - шакл** (10 балл) | | | | | |
| 1 | Иштирокчининг оҳирги йилда 10 тадан кам бўлмаган объектларнинг ЛСҲ тайёрланганлиги | 10 | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| VI.**Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 6 - шакл** (5 балл) | | | | | |
| 1. | Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги | 2 | | | |
| 2. | Мухандислик коммуникацияларини ўрганиб чиққанлиги | 3 | | | |
| VII. **Мавжуд оргтехника (компютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари ) ва бошқалар рўйхати, 7 - шакл** (16 балл)** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган охирги 10 йилликда ишлаб чиқарилган компютерлар мавжудлиги** (ижара шартнома асосидаги лойиҳа техникаларининг баллари 50% камайтирилади) | 4 | | | |
| 2. | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган оргтехника воситаларини (*принтерлар , плоттерлар, ксерокопия ва сканерлар* ) мавжудлиги** | 4 | | | |
| 3. | Лойиҳалаш программалари:<br>- "Auto Cad"-2007-2020<br>- "Corel Draw X3-2005"<br>- "3D MAX"<br>- "Lira 9.4"<br>- Смета программалари | 4 | | | |
| 4. | Мавжуд хизмат машиналари | 4 | | | |
| VIII. **Иштирокчи томонидан таклиф килинаётган лойиха-смета хужжатлари** (30 балл) | | | | | |
| 1. | Иштирокчи томонидан таклиф килинаётган лойиха-смета хужжатлари (бош режа, 3d ва фасад, девор режалари, коммуниикация тизимлари режалари) | 30 | | | |
| IX. **Коррупция холатларининг олдини олиш учун ариза** (3 балл) | | | | | |
| 1. | Коррупция холатларининг олдини олиш учун ариза | 3 | | | |
| VIII. **Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот** - 7 шакл (5 балл) | | | | | |

**Изоҳлар:**

* 3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик "Молиявий натижалар №1 ва №2" илова қилинади.

** Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи лойиҳачи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконстукция қилиш объектларининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича баҳолаш якунларига кўра 80 баллдан кам балл тўпласа, мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 50 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган хужжатлар кўриб чиқилмайди.

**ШАКЛ № 1**

**Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида**
**Д Е К Л А Р А Ц И Я**

______________________________________________
(Лойихачи ташкилот номи)

______________________________________________учун
(Лойиҳаси тайёрланадиган объект номи)

лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича
Кимга: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Биз қуйида имзо чекувчилар, шуни билдирамизки:

- Контракт шартларига мувофиқ, танлов таклифи ушбу таклифни таъмнлаш тўғрисидаги Декларация билан қўллаб-қувватлаш керак.
- Агар танлов шартлари бўйича мажбуриятларимиз қуйидагилар оқибатида биз томондан бузилганда, Ўзбекистон Республикаси хукумати билан тузиладиган ҳар қандай контрак бўйича танлов таклифини тақдим этиш ҳуқуқини Буюртмачининг билдиришномаси олинган пайтдан бошлаб 5 йиллик даврга йўқотишимизни қабул қиламиз:

а) танловга таклифномада кўрсатилган танлов амал қилиш даврида бизнинг таклифимизни қайтариб чиқариб олсак;

ёки

б) “Танлов иштирокчилари учун йўриқномалар”га мувофиқ, хатоларни тўғирлашдан бош тортсак;

ёки

с) танловни амал қилиш даврида бизнинг таклифимиз қабул қилинганлиги тўғрисида буюртмачидан билдиршнома олганимиздан сўнг (I) контракт бажариш талаб этилганда контрактни бажармасак ёки бажаришдан бош тортсак ёҳуд (II) “Танлов иштирокчилари учун йўриқномалар”га мувофиқ. Контрактни бажариш кафолатномасини тақдим қилмасак ёки тақдим қилишдан бош тортсак ёҳуд (III) маҳаллий аҳамиятга эга контрактни бажариш кафолатномасини тақдим қилмасак ёки тақдим қилишдан бош тортсак, агар ушбу талаб қилинганда.

Қуйидаги холлардан қайси бири юз беришдан келиб чиқиб, бизнинг таклифимиз ғолиб чиқмаган деб ҳисобланганда мазкур танлов таклифини таъминлаш тўғрисидаги Деклорация ўз кучини йўқотишини тушунамиз; (I) танлов ғолиби номи эълон қилинганлиги тўғрисида билдиришнома Буюртмачидан олингандан сўнг ёки (II) бизнинг таклифимизнинг муддати тугагандан сўнг 28 (йигирма саккиз) кундан сўнг.

**Танлов иштирокчиси раҳбари имзоси :** ____________________

**Тузилган сана 2022 йил “____”____________**

М.Ў.

**Тасдиқланди** ______________________
**(Бош ҳисобчи имзоси)**

**ШАКЛ-2**

Лойиҳачи ташкилот ________________нинг ташкилий структураси

(такшилот номи)
______________

(Исми ва фамилияси)
______________________

Ушбуни тузилган сана: «_____»__________________2022 г.

**ШАКЛ-3**

# Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот

Танлов иштирокчисининг номи________________________________________
Рахбарнинг фамилияси исми,
ва отасининг исми________________________________________
Манзил ва телефон (факс) раками ________________________________
Юридик макоми________________________________________
Ташкил этилганлиги санаси (буйрук ёки қарор ким томондан берилган) ________
Фаолияти тури бўйича ихтисослашуви________________________________

Рахбар ва унинг уринбосарлари:

| Тар. рақами | Ф.И.Ш. | Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги ) | Иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Умумий иш тажрибаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |

Асосий ходимлар (ГИП,ГАП ва бошқалар)

| Тар. рақами | Ф.И.Ш. | Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги ) | Иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Умумий иш тажрибаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Доимий ходимлари (ишчилар)

| Тар. рақами | Мутахасисликлар номи | Мутахасислиги бўйича жами ходимлар сони | Шундан мутахасислигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлганлар | Шундан ЛСХ тайёрлаш сохасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами: | | | |
| | Шундан | | | |
| | ГИПлар | | | |
| | ГАПлар | | | |
| | Лойихачилар | | | |
| | Сметчиклар | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: ________________ ________________
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__йил «___» ___________
М.Ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

**ШАКЛ-4**

## Танлов иштирокчисининг молиявий холати.

**охирги 3 йилдаги молиявий хисоботлари асосида**

Танлов иштирокчисининг номи______________________________________________

( минг сум )

| АКТИВЛАР | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | ПАССИВЛАР | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узок муддатли активлар** | | | | **Узлик маблагларнинг манбалари** | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав фонди | | | |
| Шу жумладан ишлаб чикариш захиралари | | | | Таксимланмаган фойда | | | |
| ҚОЛДИҚ киймат | | | | **Мажбуриятлар** | | | |
| Капитал куйилмалар | | | | Заёмлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чикариш | | | | Кредитор карзлар | | | |
| **Жорий активлар** | | | | Шундан тулов муддати утган карзлар | | | |
| Айланма маблаглар | | | | Шундан бюджет буйича карзлар | | | |
| Улардан ишлаб чикариш захиралари | | | | Мехнатга хак тулаш буйича карзлар | | | |
| Дебитор карзлар | | | | | | | |
| Шу жумладан тулов муддати утган карзлар | | | | | | | |
| Жами баланс актив буйича | | | | Жами баланс пассив буйича | | | |

### МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

( минг Сум )

| НОМИ | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | НОМИ | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда | | | | Шу шундан асосий фаолиятдан фойда | | | |
| 3. Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш таннархи | | | | Умумхужалик фаолиятидан | | | |
| 4. Админстратив харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятнинг фойдаси | | | |
| 5. Бошка харажатлар | | | | 10. Умумхужалик фаолятининг фойдаси | | | |
| 6. Даромад солиги тулангунга кадар фойда | | | | 11. Зарар | | | |
| 7. Даромаддан солик | | | | Шу жумладан: асосий фаолиятдан | | | |
| | | | | Умумий хужалик фаолиятидан | | | |

Баланс фойдаси______________________________________________

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар_______________ Бош хисобчи_______________
(имзо) (имзо)
М.Ў.

Ушбу тузилган сана: 20__йил «____» ___________

Ушбу шаклга “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

**ШАКЛ-5**

## Танлов иштирокчисининг оҳирги йилда бажарган иш тажрибаси

Танлов иштирокчисининг номи:________________________________________

Ахборотингизда сўралган йиллар давомида ўзингиз иштирок этган барча объектларини санаб ўтишингизни сўраймиз

| № | Объектнинг номи ва жойлашув манзили | Буюртмачининг номи | Тузилган пудрат шартноманинг нархи | Катнашиш шакли *(бош пудратчи ёки ёрдамичи пудратчи)* | Катнашиш улуши *(бажарилган иш хажмини фоизлар хисобида кўрсатинг)* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар: _______________ _____________________

(имзо) (Ф.И.Ш)

Ушбу тузилган сана: 20__йил «____» ___________

М.Ў

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

**ШАКЛ-6**

# ЛОЙИХАЛАШ (ҚУРИЛИШ) МАЙДОНЧАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу билан тасдиқланадики, мен ___________________**си** бошлиғи ______________________, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри _______________ **объектини лойиха-смета хужжатларини бажариш бўйича ажратилган** қурилиш майдончаси ва унга туташ худудларда бўлдим, курув ўтказдим, шунингдек:

а) худудни батафсил ўргандим;

б) лойихалаш хужжатларини ўргандим.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, лойихалаш ишларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: ________________ (имзо) _____________ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__йил «___» ___________

М.Ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

**ШАКЛ-7**

## Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати

| Оргтехника ва механизимлар номи | Русуми | Донаси | Ишлаб чикарилган йили | Кувввати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: ________________ (имзо) ______________ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__йил «___» ___________
М.Ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

**Шакл-8**

**8-шакл. Иштирокчи томонидан таклиф килинаётган лойиха-смета хужжатлари (бош режа, 3d ва фасад, девор режалари, коммуниикация тизимлари режалари)**

**ШАКЛ № 9**

# АРИЗА
**коррупция холатларининг олдини олиш учун**

Ушбу хат билан ______________________________________ биз қуйидагиларни тасдиқлаймиз:

а) мажбуриятларимизни:

- Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари туғрисида" ги № УЗРҚ-684-сонли қонуни талабларига риоя қилиш.;

- тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ишчисига ҳар қандай шаклда ишларни таклифини бермаслик ёки бошқа бирон бир қимматли нарса ёки хизматни таклиф қилмаслик ёки бермаслик. Ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки мижознинг ҳар қандай харид қилиш тартибини қўллаш давлат харидлари жараёнида;

- рақобатга қарши ҳаракатлар қилманг, шу жумладан шериклик ҳолатларини аниқлашда;

- фирибгарлик, маълумотларни қалбакилаштириш ва коррупсиянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик;

- сохта ёки сохта ҳужжатларни тақдим қилмаслик, ушбу лотда иштирок этаётган филиаллар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

б) буни тасдиқлайди:

- буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви, пудратчини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида қарор қабул қилишга муассислар ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлари бўлмаслигини;

- нархларни ёки танлов натижаларини бузиш учун боша иштирокчилар билан тил бириктиришдан иборат эмас;

| ______________________ | ____________ | ______________________ |
|---|---|---|
| **ташкилот номи** | **имзо** | **ФИО** |

**М.Ў**

**2022 йил “ ”**

**ЛСХ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА**
**-сонли ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

Қарши шаҳри "" ___________2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори _ _ _ _ _ _ _ _ биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритиладиган

______________________________________ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона рахбари ___________________, кейинги ўринларда «объект» деб юритиладиган, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Қарши шахар Мустақиллик кўчаси 225-уй манзилида 400-ўринли талабалар турар-жойи биноси қуриш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

## I. Шартнома мавзуси

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ «Объект»да ишларни бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га ишларни бажариш учун зарур бўлган шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

---

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома «Пудратчи» томонидан объектда бажариладиган қурилиш монтаж ишлари юзасидан аниқланган ишлар қиймати, барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ______________________________() сўмни ташкил этади ва манзилли рўйхатга асосан молиялаштирилади.

2.2. Шартноманинг 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган ишларнинг киймати якуний деб ҳисобланади ва яна қайта кўриб чиқилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонларидан шартномага қўшимча келишув битими орқали расмийлаштирилади.

## III. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасига мувофиқ «Ишларни бажариш жадвали»да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

«Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

3.2. Ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.3. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

4.1. «Объект»да қурилиш-монтаж ишлари бўйича ишлаб чиқилиб тегишли равишда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи»га тақдим қилиш;

4.2. Шартноманинг 1-иловаси "Ишларни бажариш жадвали"га асосан бажариладиган ишларни тўла хажмда бажарилиши ва сифати устидан доимий техник назоратини амалга ошириш;

4.3. Шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,

4.4. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

4.5. Шартноманинг 2-иловасида келтирилган "Молиялаштириш жадвали"га мувофиқ «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

4.6. «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;

4.7. «Пудратчи» томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида олиб борилмаган, сифатсиз ҳамда тўла хажмда бажарилмаган ишларни ўзининг ҳисобидан қайтадан бажарилишини таъминлаш;

4.8. «Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## V. Ишларни бажариш муддатлари

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар "Ишларни бажариш жадвали"га мувофиқ амалга оширилади.

## VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу ______________________________() сўмни ташкил этади.

6.2. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-2-иловалар).

6.3. Жорий ойма-ой молиялаштириш амалда бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

6.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи миқдоридаги тўлови, қурилиш ишлари тугалланиб, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномада кайд этилган кафолатли муддат ўтиб бўлгандан сўнг, «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоблар якуний натижаларидан келиб-чиққан ҳолда ва шу билан бирга жорий молия йили тугамасдан амалга оширилади.

6.5. «Пудратчи»нинг ишончли вакили бажарилган ишларни молиялаштириш мақсадида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб варағи (Ф-3)ни нуқсонларсиз, ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда «Буюртмачи» томонидан тайилланган техник назоратчи иштирокида «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб бўлимига тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

6.6. Томонларни ўзаро ҳисоб-китобларни узил-кесил ҳал этиш учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномасини молия йили декабр ойининг 5 чи кунига қадар тақдим этиши шарт.

## VII. Ишларни бажариш

7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. «Пудратчи» техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

7.6. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.7. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.9. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.10. «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

## VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги конун ҳужжати кабул килинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.3. «Пудратчи» қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га

ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича «Объект»га мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

## X. Кафолатлар

10.1. «Пудратчи»:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

10.2. «Объект»да бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган «Объект»ни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

10.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

10.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.5. Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.6. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. Шартномани бекор қилиш

11.1. «Буюртмачи»:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

«Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. «Пудратчи»:

ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

«Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

«Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу

ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчи»га тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.5. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Алоҳида шартлар

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши фақат қонун ҳужжатларида курсатилган холатлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

14.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик идораларидан рўйхатдан ўтказилган сўнг кучга киради.

14.8. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача деб белгиланади.

14.9. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| **«БУЮРТМАЧИ»** | **«ПУДРАТЧИ»** |
|---|---|
| **Ректор**__________________ | **Директор**________________ |
| М.Ў | М.Ў |
| **Ҳуқуқшунос**_ | **Ҳуқуқшунос**______ |